



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 65 (1664), 2026 йил 4 апрель, шанба



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев олий таълим, фан ва инновациялар тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тақдими билан танишди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, тизимдаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, илм-фанни иқтисодиёт билан узи боғлаш, таълим ва тадқиқот интеграциясини чуқурлаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан тақдимотда олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган янги чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Жумладан, “U10 — Ўзбекистоннинг глобал даражадаги илғор университетлари” дастури амалга оширилади. Дастур доирасида танлов асосида 10 та олий таълим ташкилотига миллий тадқиқот университети мақоми берилиб, уларда илмий кластерлар ташкил этилади.

Мазкур танлов профессор-ўқитувчи ва олимлар салоҳияти, иштирокчи ташкилотларнинг миллий ва халқаро рейтинглардаги ўрни, илмий инфратузилмаси ҳамда молиялаштиришдаги улуши каби кўрсаткичлар асосида ўтказилади. Ташкил этиладиган илмий кластерлар маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари, илмий муассасалар ҳамда саноат корхоналари ҳамкорлигидаги консорциум сифатида фаолият юритилади.

Миллий тадқиқот университети мақоми берилган университетга илмий кластер ташкил этиш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси

ҳисобидан 150 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.

Шунингдек, олий таълим тизимида натижага йўналтирилган молиялаштириш механизмларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, 2027 йилдан бошлаб олий таълим ташкилотларини уларнинг миллий рейтингдаги натижаларига кўра молиявий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Бунда университетлар таълим сифати, илмий фаолият, халқаро ҳамкорлик, рақамлаштириш ва битрирувчилар бандлиги каби мезонлар асосида баҳоланади.

Давлат гранти асосида таълим олаётган талабалар учун олийгоҳларга ажратиладиган маблағлар миқдорини шакллантиришда ҳам янги ёндашувлар тақлиф этилди. Эндиликда таълим йўналишининг мураккаблиги, меҳнат бозори эҳтиёжлари, университет рейтингини, худудий омилар ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш каби кўрсаткичлар инобатга олинади.

Илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг янги тизими жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Хусусан, давлат илмий дастурлари доирасида ажратиладиган маблағларнинг камиди 50 фоизи устувор йўналишларга сарфланади. Лоийҳаларни саралаш халқаро экспертиза, илмий-техник кенгашлар ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Шунингдек, олий таълим ва илмий ташкилотлар фаолиятида илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни кенгайтиришга қаратилган янги тизим тақлиф этилди.

Жумладан, олийгоҳларнинг “spin-off” корхоналарини ташкил этиш орқали “тармоқ — корхона — олий таълим ташкилотини — илмий ташкилот” занжири асосида инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилмоқда.

Бу орқали илм-фан натижаларини амалиётга жорий этиш, технологик трансферни кучайтириш ва университетларнинг тадбиркорлик фаолиятини ошириш мақсад қилинган.

Ўзбекистонни минтақавий таълим хабиға айлантириш мақсадида хорижий талабаларни жалб этиш бўйича янги механизмлар тақлиф қилинди. Жумладан, ҳар йили республика давлат олий таълим ташкилотларида 500 нафаргача иқтидорли чет эл фуқароларига олий таълим олиш учун грант ажратишни назарда тутуви “Янги Ўзбекистон стипендиаси” дастурини амалга ошириш белгиланмоқда.

Тақдимотда соҳада бошқарув самардорлигини ошириш, рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш, ёшларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа муҳим ташаббуслар ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган тақлифларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, уларни босқичма-босқич жорий этиш орқали олий таълим ва илм-фан тизимини янги даражага олиб чиқиш муҳимлигини таъкидлади. Масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА



Инсон учун киндик қони тўкилган замин азиз ва муқаддас. У қаерда яшамасин, туғилиб ўсган юртига, асл илдизларига интилаверади, талпинаверади. Бу бежиз эмас. Зеро, Ватан — аждодлардан авлодларга қоладиган буюк, бебаҳо мерос, энг азиз хотира. У бизни бирлаштиради, куч-қувват беради, мақсадларимиз сари етаклайди.

АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН ЖОН ТОМИРИДА УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗ ҚОНИ ОҚАЁТГАН ХАЛҚНИНГ ҲАЁТИ ЁРУҒ, КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Миллат ва халқни ягона мақсад сари сафарбар эта оладиган феномен ҳодиса ҳам Ватан ва фақат Ватандир. Инсон касбини, уй-жойини ўзгартириши мумкин, лекин жонажон юртини зарга ҳам, дурга ҳам алмаштирмайди. Бунинг сари битта — инсонда она битта бўлгани каби Ватан ҳам ягона бўлади. Икки танлов ёнма-ён келганида аввал Ватан, кейин жон туриши ҳам шундан.

Бугунги глобаллашув ва рақамли трансформация даврида Ватан тушунчаси янада кенг маъно касб этиб, миллий ўзлик, қадрият ва жамоавий масъулият билан уйғунлашмоқда. Замонавий

жамиятда Ватан ва қалб қуввати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунарлар сифатида намоён бўлмоқда.

Ватан туйғуси эса қалбдан, виждондан бошланиб, онту шууримизга онамизнинг оқ сути ва пок нияти билан сингади. У инсонни эзгуликка, фидойиликка қўрлайди, ор-номусини ҳимоя қилишга руҳлантиради. Бу туйғу туғилиб ўсган заминга, тупроққа, тарих ва келажакка чексиз садоқатидир. Бундай авлод тўғри йўлдан адашмайди, зарга ҳам, зўрга ҳам бўйин эгмайди. Нега дейсизми? Чунки уларнинг томирида улуг аждодларимиз қони оқяпти, вужудда эса улардан мерос буюк қудрат жўш урмоқда.

Бу туйғунини жонимиз ва қонимиз, руҳиятимизга жо қилиб, сингдириб юборишимиз учун, аввало, юртимизнинг яқин ва узоқ тарихини яхши билишимиз керак. Ахир қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган. Бу заминда Амир Темураддек жасорат тимсоли, Алишер Навоийдек сўз султони, Мирзо Улughбекдек астрономлар етишиб чиққан. Уларнинг юрт ва эл шаъни, қудрати, тинчлиги, маърифати, маънавияти йўлида кўрсатган хизматлари ҳар биримиз учун ибратдир.

Давоми 3-бетда

ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев тўловга қобилиятсизлик институтини такомиллаштириш ва молиявий аҳволи оғир тадбиркорлик субъектларини соғломлаштириш бўйича янги ёндашувлар юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва улар учун янада қўлай шароитлар яратиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Ислохотлар натижасида юртимизда 300 мингдан ортиқ яқка тартибдаги тадбиркорлар ва 5,5 миллион нафар ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолият юритмоқда. Хусусий бизнеснинг иқтисодиётдаги улуши эса сўнгги беш йилда 45 фоиздан 58 фоизга ошди.

Жорий йилда кичик ва ўрта бизнесга 140 триллион сўм кредит ажратиш, банклар томонидан жалб қилинган 8 миллиард доллар ташқи ресурсларни маҳалладаги тадбиркорликка йўналтириш, ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар инфратузилмасини яхшилаш учун ҳудудларга 20 триллион сўм ажратиш белгиланган.

Шу билан бирга, яратилган корхоналар ва иш ўринларини сақлаб қолиш, молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларини эрта босқичда қўллаб-қувватлаш борасида ҳали ечимини кутаётган масалалар кўплиги қайд этилди.

Хусусан, фаолият кўрсатмаётган ва фаолият тугатилган кичик корхоналар сонининг ўсиш тенденцияси кузатилаётгани кўрсатиб ўтилди. Бу ҳолат амалдаги тизим корхонани сақлаб қолиш ва қайта тиклашга эмас, кўпроқ унинг фаолиятини расмий тугатишга қаратилганидан далолат бераётгани қайд этилди.

Аввало, тўловга қобилиятсизлик таомиллари етарли даражада қўлланилмапти. Молиявий аҳволи оғирлашган 93 мингта тадбиркорнинг атиги 10 мингтаси бўйича тўловга қобилиятсизлик иши кўзатишган. Судгача ва суд санацияси тизими амалда самарали ишламаяпти, сўнгги беш йилда атиги 68 та корхонага санация таомили қўлланилган, шунда ҳам фақатгина 7 тасининг фаолиятини тикланган.

Суд бошқарувчилари фаолиятини ҳам танқидий кўриб чиқилди. Қатор ҳолатларда иш юритиш мuddатлари бузилгани, асоссиз хулосалар берилгани, сохта банкротлик аломатларини ўз вақтида ўрганиш механизми етарли эмаслиги қайд этилди. Суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш тизимидаги бўшлиқлар малакали мутахассисларни жалб қилишга тўқсизлик қилётгани, айрим ҳолатларда эса ишларни сунъий чўзишга сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

ЎЗА



Ислохот одимлари

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪЛИМИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ САРИ

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият”.

Инсон ҳуқуқлари таълими нима?

Янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлиқ янги ислохотлар шароитида “инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айнаси, қадри — энг муҳим қадрият” тамойили эътироф этилмоқда. Шу муносабат билан йиллар давомида амал қилиб келган “давлат — жамият — инсон” тамойили янги таърифта Конституциямиз ва янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияларида “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартирилди.

Булнинг барчаси, ўз навбатида, таълимнинг ўзига хос йўналиши ҳисобланувчи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни илчил ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Бундай таълим барчанинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда бирламчи аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жаҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишининг барча жараёнларида

Бундан ташқари, соҳанинг рақамлаштирилмагани, онлайн мониторинг ва назорат йўқлиги, банкорт ёки тўловга қобилиятсизлик ҳолатидаги корхоналарнинг очiq реестри мавжуд эмаслиги, давлат органлари ўртасида маълумот алмашуви етарли даражада йўлга қўйилмагани қайд этилди.

Шу муносабат билан соҳада давлат бошқаруви самардорлигини ошириш бўйича янги институционал ёндашувлар тақлиф қилинди.

Хусусан, Адлия вазирлиги ҳузурда Тўловга қобилиятсизлик ишлари бўйича агентлик ташкил этиш тақлиф қилинди. Ушбу тузилма соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, банкротлик омиларини таҳлил қилиш ва баргараф этиш чораларини кўриш, корхоналарни молиявий соғломлаштиришга кўмаклашиш билан шугулланади.

Суд бошқарувчилари фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида Суд бошқарувчилари палатасини тузиш тақлиф этилди. Палата суд бошқарувчилари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишни таъминлайди, улар томонидан қонунчилик ва касб этикасига риоя этиш мониторингини юритади, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Молиявий аҳволи оғир бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган янги молиявий механизмлар ҳам тақдимот қилинди.

Жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорлар учун Бизнесни кафолатлаш миллий компанияси орқали кафилик бериш, Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси орқали тижорат банкларидан паст фойзли кредит линиялари очиш орқали корхоналарни молиявий тиклашга кўмаклашиш режалаштирилмоқда.

Бунда тижорат банклари ажратган кредитлар бўйича асосий қарз ва фойзалар санация яқунланганга қадар кечиктирилади, кредит санация яқунланганидан сўнг 3 йил ичида қайтарилади, кредит қарздорлигини реструктуризация қилиш асослари яратилади.

Солиқ ва кредит қарздорлигини кечиктириб тўлаш ҳамда реструктуризация қилиш тартибларини соддалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.



Ҳафталик

МИЛЛИЙ МЕДИАМИЗДА ЯНГИ ФОРМАТ: ОЧИҚ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Қорақалпоқ халқининг Нукус шаҳрида барпо этилган миллий қора уйи дунёдаги энг катта ўтов сифатида Гинннинг рекордлар китобидан ўрин олган. Ушбу ўтовда илк бор Президентимиз тадбиркорлар билан мулоқот ўтказиб, мамлакат иқтисодиёти учун янги саҳифа очиб берган эди.

Ушбу катта ўтов яна бир йирик лойиҳанинг старт нуқтасига айланади. Ўзбекистон бўйлаб кенг қулоқ ёза бошлаган медиа ҳафталикнинг илк босқичи Оролбўёида ташкил этилди. Беш кун мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимиз ахборот мақомининг том маънодаги қайноқ марказига — ўзига хос инновацион медиа хабага айланади.

Эътиборлиси, ушбу лойиҳада қуруқ академик маърузалар форматидан воз кечилди. Машгулотлар соҳа етакчиларининг жонли амалиёт билан бойитилди. Натижада лойиҳа қутилганидан кўра анча кенг қамров олди. Унда турли йўналишда фаолият юритаётган соҳа вакиллари иштирок этди. Худуддаги 700 га яқин медиа вакили ягона мақсад йўлида очiq мулоқот майдонида жам бўлди. Шу маънода, лойиҳа шунчаки навбатдаги ўқув курси эмас, балки ахборот узатишининг эскича қопилларидан воз кечиш, воқеликка мутлақо янгича нигоҳ билан қарашга ундайдиган ҳақиқий тажриба мактаби бўлади.

ЎЗА

Давоми 4-бетда

Давоми 2-бетда

Ҳафталик

МИЛЛИЙ МЕДИАМИЗДА ЯНГИ ФОРМАТ: ОЧИҚ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ



Бошланиши 1-бегда

Мазкур ҳафталик миллий медиамизда янгича овоз, ижодий руҳни янада жонлантирадиган кучли импульс вазифини ўтади. Машгулотларни иштирокчилар турфа қараш ва билим даражаси билан бошлаган эди. Якунда улар глобал тармоқдаги ахборот хуржларига қарши тура олиш, сунъий интеллектдан моҳирона фойдаланиш ва контент яратишда креатив ёндашув бўйича кўникмага эга бўлди.

— Медиа ҳафталида “Қонлиқўл хабарлари” газетаси жамоаси ҳам фаол иштирок этди. Газетамиз ижодий ходимлари замонавий журналистика талаблари, янги медиа технологиялар ва сифатли контент яратиш бўйича билим ва кўникмасини оширди, — дейди “Қонлиқўл хабарлари” газетаси муҳаррири Гулжамилла Аметова. — Спикерларнинг бой тажрибаси, чуқур билими барчамиз учун катта маҳорат дарси сифатида ажойиб таассурот қолдирди. Айнаник, замонавий журналистика, янги медиа йўналишлари ва амалий кўникмалар бўйича қимматли маслаҳатлар биз учун жуда фойдали бўлди.

Ҳақиқатан, беш кунлик фикр алмашувлар давлат идоралари ҳамда журналист ва блогерлар ўртасидаги кўринмас деворни олиб ташлади. Ҳар икки томонда ўзаро ишонча ва конструктив ҳамкорликка асосланган янги медиа маданиятга мустаҳкам пойдевор ўрнатилди.

— Қорақалпоғистонда ўтказилган медиа ҳафталик доирасида спикер сифатида сўзга чиқдим, — дейди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги вакили Икром Авалбоев. — Тўғриси айтганда, бу мен учун янги босқич бўлди. Мухими, тажрибам билан ўртоқлашаётган вақтда ўзим учун ҳам муҳим жиҳатларни белгилаб олдим. Бу лойиҳа асосида бир-биримиздан кўп нарса ўргандик.

Ҳафталикнинг интенсив дастуридан медиа соҳасининг энг долзарб масалалари ўрин олди. Ушбу сабақларнинг аҳамияти, аввало, лойиҳага энг кучли спикерлар жалб

этилганидир. Машгулотларни фақат назариётчилар эмас, балки бугун мамлакат медиа майдонининг об-ҳавосини белгилаб бераётган амалиётчи экспертлар ўтди.

— Медиа ҳафталида 60 дан ортик ахборот хизмати раҳбарлари ва ходимлари учун касбий фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи замонавий ва долзарб мавзуларда тренинглар ташкил этилди, — дейди Ажнэинэ номидagi Нукус давлат педагогика институти ахборот хизмати раҳбари Ислам Матекев. — Асосан, ахборот соҳасини тартибга солувчи қонунчилик асослари, “Давлат органлари ва ОАВ ҳамда блогерлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш” бўйича услубий қўланма, ОАВ, блогер ва инфлюенсерлар билан самарали ҳамкорлик механизми, ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда SMM ва алгоритмлар асосида расмий саҳифаларни юритиш ёндашувлари йўналишлари бўйича зарур маълумотларга эга бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси 10 миң SMM мутахассисини тайёрлаш бўйича ташаббусини

илгари сурган эди. Ҳафталик доирасида ушбу лойиҳанинг бажарилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур бепул курсларга 7000 дан ортик, жумладан, Қорақалпоғистондан 500 дан зиёд йигит-қиз қамраб олинди. Ҳозир курсларни муваффақиятли тамомлаганлар сони 1000 дан ошди. Аҳамиятлиси, битирувчиларга барқарор даромад топиши учун махсус имтиёзли кредитлар тақдим этилмоқда. Бу имкониятдан фойдаланган кўплаб ёшлар аллақачон юқори даромад чегарасига чиққиси улгурди. Ҳафталик мобайнида курс битирувчиларига сертификат топширилди.

Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги ва Контент маркази ташаббуси билан мамлакат бўйлаб 1000, хусусан, Қорақалпоғистонда 175 йигит-қиз мобилиграфия йўналишида бепул ўқитилган эди. Ушбу ёш ишқорлар ҳам медиа ҳафталида иштирок этди. Ҳозир мазкур битирувчиларнинг 68 нафари мутахассислиги бўйича фаолият юритиб, даромад топмоқда. Яна 23 нафари синов мuddати билан турли ташкилотларга ишга қабул қилинган.

Ҳафталик доирасида ахборот соҳаси вакиллари кундалик фаолиятида асқотадиган никита янги рисола тақдироти ўтказилди. Жумладан, “Давлат органлари ва ОАВ ҳамда блогер ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари” қўланмаси давлат идоралари ва медиа вакиллари ўртасидаги ахборот алмашинуви қонуний, шаффоф, ахлоқий меъёрлар асосида ташкил этишга хизмат қилади. Унда ахборот олиш қафолатлардан тортиб, журналист фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик масалаларига тизимли ёритилган.

Ҳафталик ҳудуддаги медиа вакиллари иштирокида йирик медиа форум ва сертификатлар топшириш маросими билан якунланди. Қорақалпоғистондан бошланган медиа ҳафталикнинг навбатдаги босқичи Хоразм вилоятида ўтказилиб, бутун республика бўйлаб давом этади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Дилдаги гаплар

“БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ”

Яшиллик — ҳаёт рамзи. Табиат яшилгани билан бошланадиган Наврўзи оламини бежиз янги кун деб атамаймиз. Унинг ташрифидан кўнгиллар ҳам худди табиат каби яшариб бораётган айни дамларда бутун минтақада экологик барқарорликни сақлашнинг ташаббускори бўлган Президентимиз яна бир инсонпарварлик ҳаракатини илгари сурди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берди.

Давлатимиз раҳбари тadbирда нутқ сўзлаб, бу олижаноб мақсад йўлида мамлакатимизнинг барча ҳудудида 2030 йилгача қилинадиган ишлар кўламини баён этди. Ҳатто ўз округида боғ барпо этиши учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига 400 миллион сўмдан маблағ ажратилишини қайд этди.

2025 йилда мамлакатимиз миқёсида умумий яшиллик 14,2 фоизга етказилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йил 30 фоиз оширилиши ҳақиқатан ҳам кўламу нечоғлик кенгайиб бораётганини кўрсатиб турибди. Шу кунги дендрология боғига илк ниҳолни Президентимиз ўтказди.

Жараёнда иштирок этган БМТнинг Ўрмонлар бўйича форуми раиси Исмонил Белев бу ҳаракат давлатимиз раҳбарининг нуфузли

ташкilot минбариди туриб, дунёда экологик мувозанатни сақлаш бўйича илгари сурган тақлифларига ҳамоҳанг ва чинаяк инсонпарварлик ташаббуси эканини билдирди. Айни пайтда барча вилоятларда ҳам ана шундай боғ барпо этишга киришилди, ниҳоллар, гуллар экилди.

Бу — чиндан-да йилларга, асрларга татигулик ташаббус. Айтишларича, миллий боққа нафақат Ўзбекистоннинг асрий яшайдиган дарахлари, балки дунёнинг турли минтақасидан ниҳоллар, шифобахш буталар келтириб ўтказилган экан. Бу маконда илмини амалиётга боғлаб, инсон саломатлиги учун зарур гиёҳлар ҳам ўстирилади.

Миллий боғнинг институт ҳузурида барпо қилингани, жойларда эса “яшил”

техникумлар ташкил этилиб, мутахассислар тайёрлини кўпчилигининг кўнглидаги иш бўляпти. Демак, ниҳоллар экилган жойлар шунчаки яшил макон эмас, балки асрлар давомида борлиққа мусофаломик бахш этувчи, экологик барқарорликни сақлаб, одамларга кайфият ва саломатлик улашувчи, сайёҳларни чорловчи, қисқаси, гўзал боғлар бўлиб қолади.

Экологик барқарорликка эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айлангани бежиз эмас. Зеро, у тараққийнинг ҳаракатга келтирувчи куч — инсон омилининг кайфияти, саломатлиги, келажатига дахлдор. Шундай экан, Президентимиз айтганидек, жон бошига ўн квадрат метр яшил макон яратишга эришмоқ учун шу юртда яшаётган, шу ҳаводан нафас олаётган ҳар биримиз бу ҳаракатдан четда қолмасликка эришиш керак.

Ҳўш, ўзим бу ҳаракатга қандай ҳисса қўша олдим?

Хонадонимизда боғ барпо қилганмиз. Узум, гилос, шафтоли, хурмо, олма ни уйда етиштириб, узиб еганга нима етсин. Яқинда яна беш тул ниҳол экидим. Бутун ҳовлини эгаллаган гулларимни томоша қилганимда, баҳри дилим очилди, кайфиятим кўтарилди, руҳий, ижодий кувват оламан. Мана шундай кайфиятни бошқалар ҳам илинаман.

Келинг, азизлар, Президентимизнинг сизни, бизни, авлодларимизни ўйлаб бошлаган ташаббусига қўшилиб, ҳовлимизда, эшигимиз олдига, кўчаларимизда барпо этган яшил маконларимизга меҳр берайлик. Шаҳар қишлоқларимизни яшил маконга айлантирайлик. Бу ҳаракатимиз экологик барқарорликка муносиб ҳисса бўлиб қўйилсин.

Ҳадичахон КАРИМОВА, журналист



Ме'х ме'хвари

ОДАМЛАРИ БАХТИЁР ЗАМИН

Президентимизнинг 2025 йил 8 октябрдаги қарориди республика бўйича 33 туман ва шаҳарга “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми берилиши назарда тутилган эди. Қарорга биноан “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастури тасдиқланган. Ушбу дастур доирасида Сурхондарё вилоятида ҳам ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ва бизнес имкониятлар ҳамда яшил майдонларни кўпайтиришга қаратилган ишлар изчил бажарилмоқда.

Шербод туманидаги Деҳқонорик, Термиз туманидаги Қаҳрамон ва Кўнғирот, Денов туманидаги Боғи Эрам ва Қумқўрғон туманидаги Янгиер маҳаллаларида бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар бошланган. Жумладан, Янгиерда саноатни жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” тузилган. Янгиер маҳалласининг умумий майдони 370,2 гектар. Шундан 350 гектари экин майдони. Аҳоли нуфуси эса 4800 нафар бўлиб, 1023 хонадонда 1631 та оила яшайди.

— Дастур бўйича давлат бюджетидан 5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган. Бунинг эвазига 9 та лойиҳа доирасида 8 та объектда бунёдкорлик ишлари бажарил-

ўрнатилди, 1 километрга электр тармоғи тортилди. Бундан ташқари, ариқларнинг 2 километри бетонланди. Ичимлик сув учун қўшимча 3,4 километрли тармоқ тортилди ва ички йўлларнинг 3,3 километри асфальтланди. Шу тариқа маҳалла инфратузилмаси туддан яхшиланди.

Қарорда янги қиёфага эга бўлаётган маҳаллаларга камида 50 миллион долларлик сармоя жалб қилиш назарда тутилган. Шу орқали озиқ-овқат етиштириш, мебелсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишларда камида 10 тадан йирик инвестиция лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилган.



ди, — дейди “Янгиер” МФЙ раиси Насиба Сузюнова. — Натijaда қисқа мuddатда 100 та таянч устун, битта 400 киловаттлик ва яна битта 160 киловаттлик 2 та трансформатор

Янгиер маҳалласида ҳам ўз махсусоти билан ташқи бозорларга чиқмаган камида 3-5 тадан корхонани экспорт фаолиятига жалб қилиш кўзда тутилган. “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастури доирасида ҳудудда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш,



Кун мавзуси

“РАҚАМЛИ МАҲАЛЛА” ПЛАТФОРМАСИ

МУРОЖААТЛАРНИ ТЕЗКОР КЎРИШ ВА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз раислигида жорий йил 13 март куни аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича галдаги муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.



Унда мурожаатлар билан ишлашда “маҳалла етилиги”нинг масъулиятини кескин ошириш мақсадида Президент Виртуал қабулхонасида ҳар бир маҳалла учун алоҳида кабинет очилди ва у ёшлар етакчисини ва маҳалла раиси томонидан юритилиши белгиланди.

Мазкур вазифалар ижроси доирасида “Рақамли маҳалла” платформаси жорий этилди. Айни пайтда қарийб 9000 маҳалла фуқаролар йиғини мазкур тизимдан фойдаланмоқда. Унга ўн миллионга яқин оила, 38 миллиондан ортик фуқаронинг маълумотлари киритилган. Шунингдек, фуқаролар маълумотлари, улардан тушаётган мурожаатлар ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳам мазкур платформа орқали рақамлаштирилмоқда.

Ушбу платформа Президент Виртуал қабулхонаси билан интеграция қилинмоқда. Бу фуқаролар мурожаатларини тезкор кўриб чиқиш, муаммоларини манзилли ҳал этиш ҳамда самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, интеграция фуқаролар мурожаатларига сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилиш ва ечимни бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Бу платформа Президентимизнинг тегишли фармони ва қарори асосида 2024

йилдан бошлаб амалиётга тағбиқ этиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи Фозилбек Жаҳониров. — Натijaда бу йўналишда қоғоз сарфи камайди ва иш самарадорлиги ошди. “Рақамли маҳалла” платформаси жорий этилгандан кейин “маҳалла етилиги” аъзоларига планшетлар берилди. Платформада мобил иловаси ишлаб чиқилди. Унда фуқаролар ва ходимлар учун махсус бўлимлар очилди. Бунда ходимлар ўзи аниқлаган муаммоларни тегишли вазирлик ва идораларга юбориши, фуқаролар эса мурожаатини “маҳалла етилиги”ни хабардор қилган ҳолда электрон тарзда бериш имкониятига эга.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида “Рақамли маҳалла” платформаси ахборот маркази ташкил этилган, “маҳалла етилиги” аъзолари фаолияти, натижадорлик ва самарадорлик мониторинг қилиб боришмоқда. Марказда фуқаролар мурожаатларининг ҳал этилиши ҳам назоратга олинган.

Мазкур тизим маҳалла раислари ва еттилик аъзоларининг фаолиятида чинаяк ёрдамчига айлиниб улгурди. Хусусан, пойтахтимидаги Мирзо Улуғбек тумани Алишеробод маҳалласида ҳам платформа орқали хужжатлар электрон шаклда юритилмоқда.

тадбиркорлик лойиҳаларини тартибли жойлаштириш учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Маҳаллада фаолият юритаётган чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқариш объектилари учун бўш ер участкалари, бинолар ажратиб берилмоқда.

Иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун намунавий ҳудудларда юқори қўшимча қийматли махсусотлар ишлаб чиқариш белгиланган. Шу асосда Янгиерда бандлик таъминлини, камбағалликни қисқарттиришга эришилмоқда. Лойиҳа доирасида маҳаллада янги боғча, дам олиш масканлари, болалар ва спорт майдончалари, пидедалар ҳамда саломатлик йўлакчалари барпо этилди. Шунингдек, ҳудудда кичик бозор, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, хунармандчилик устaxonларини очиб режалаштирилган. Маҳаллада тадбиркорлик янада ривожлантиряпти. Аҳоли учун қўлай муҳит вужудга келаяпти. Бунинг янги ташкил этилган тивувчилик цехи мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу каби лойиҳалар тўғрисида қанчадан-қанча хотин-қизлар ишлаб бўлмоқда. Янгиерликлар томорқада иссиқхона ташкил этишда ҳам етакчилардан. Деярли ҳар бир хонадонда 2 ёки 3 тадан иссиқхона бор.

Лойиҳа доирасида 78 тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш режа қилинган. Натijaда маҳаллий бюджетга 1 миллиард 400 миллион сўм қўшимча солиқ тушуми тушади. Бу Янгиер маҳалласида ишсизликни кескин камайитиришга хизмат қилади. Қисқа мuddатда маҳаллага шаҳар муҳити кириб бори. Камбағаллик ва ишсизликдан холи, овод ва намунали масканга айланди. Яшаш ва бизнес қилиш учун инфратузилма янада яхшиланди. Ўз навбатида, ҳудуднинг иқтисодий ўсиш суръати ҳам ўртача кўрсаткичдан камида 2-3 фоиз кўтарилди.

— Маҳалламиз туманлараро йўл бўйида жойлашган. Шаҳарчамиз Жалойир, Гулистон, Бўстон, Муस्ताқиллик ва Пахтаобод маҳаллалари учун марказ вазифини ўтайди, — дейди “Янгиер” МФЙдаги ёшлар етакчиси Намоз Абсоатов. — Бу маҳаллаларни қўшиб ҳисоблаганда, ҳудуд аҳолиси 48 миңдан ошади. Тўғриси, бир-бирини тўлдириб бораётган дастурлар, лойиҳалар тўғрисида кўз ўнгимизда маҳалламиз овод бўлиб борапти. Янгиердаги ижобий ўзгаришлар ёндаш маҳаллаларга, биз — ёшларга ҳам куч берапти.

Сарвар ТЎРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ижтимоий ёрдам, грантлар, субсидиялар, бандлик ва меҳнат миграциясига оид кўрсаткичлар таҳлил қилинмоқда.

— Бу платформа “маҳалла етилиги” учун жуда катта қўлайликлар яратмоқда. Биринчидан, қоғозбозликлар қутулди. Иккинчидан, маҳаллошларимизнинг мурожаатини тўғридан тўғри электрон базаларга юкланган ва мурожаат натижаларини билиш имкониятига эгамиз, — дейди Алишеробод маҳалласи раиси Гулчехра Аҳмедова. — Халқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштиради. Шу боис, мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, халқ орасида юриб, одамларнинг дарду ташвишларига шерик бўлиш, фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, муаммоларини тезкор ва самарали ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Платформада маҳалладаги ижтимоий ҳолат, кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, инфратузилма ва объектлар ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари одамларни қийнаётган муаммоларини уйма-ўй, хонадонма-хонадон кириб аниқлаш тизимини йўлга қўйди. Халқимиз оғирини енгил қилиш, фуқароларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш бўйича вакиллар ва ҳокимлар маҳалла даражасида ишлайдиган тизим яратилди. “Инсон қадрини учун” тамойили асосидagi спехотлар инсонлар ҳаёти, кундалик турмушида акс этмоқда. Юртдошларимиз онгу тафаккурида кечаятган ўзгаришлар эса мамлакатимиз қиёфасида ўз инфодасини топтомоқда.

Тизимдаги ҳар бир мурожаат ортида бир инсон тақдирини, давлатга умиди ва ишончи ётибди. Бу ҳолат барча раҳбарларни халқ орасига кириб, одамлар билан очик сўхбатлашни, муаммоларини тинглаб, ҳал қилиш чораларини кўришга ундайди. Агар мутасаддилар ҳар бир хонадон ҳолидан хабар олиб турса, жамиятда адолат ва ишонч кучаяди.

Энди интеграция тўғрисида фуқаролар Халқ қабулхонаси ва Президент Виртуал қабулхоналарига мурожаат қилганда, ҳал қилиш чораларини автоматик равишда юклан олиш имконияти пайдо бўлади. Асосийси, бу аҳоли мурожаатларини тезкор ва сифатли таъминлаш, натижадорликни оширишга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг

35 йиллиги

АВВАЛ ВАТАН, KEYIN ЖОН

ТОМИРИДА УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗ ҚОНИ ОҚАЁТГАН ХАЛҚНИНГ ҲАЁТИ ЁРУҒ, КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ



Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ, журналист

Бошланиши 1-бегда

Масалан, Соҳибқирон Амир Темури...

Нажмиддин Кубро ҳам Ватан учун жон...

Бугун кўхна тарихимизни чуқур ўрганиш...

Бугун жаҳонда геосийёсий вазият ўта...

Президентимиз янги Ўзбекистоннинг...

Шу нуқтадан назардан, барчамиз ёшлар...

Баъзан ватанпарварликни катта ишлар...

Садоқат туйғуси

Ватанга садоқат буюқ қудрат. Тугилиб...

Буюқ саркарда Жалолиддин Мангуберди...

Мирзо Улуғбекнинг "Олам аҳли Жалолиддин...

Ҳатто Чингизхондек саркарда унинг ма...

Агар онгининг шаклланиш давридаёқ...

қилишга муваффақ бўламиз. Бундай авлод...

Ўзбекистон гоёси амалда қудратли ҳара...



унинг ўрнини ишонсизлик эгаллаб олади.

Болалигимизда нурунийларимиз "Одамни...

Юртдан узокда яшаш мумкин. Лекин инсон...

Президентимиз фаолиятининг дастлабки...

"Инсон қадрини унун, инсон бахти учун"

Ўзбекистон гоёси амалда қудратли ҳара...

ган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун...

Тинчлик қадрини

Инсон ҳаётидаги энг улғу ва беқиёс неъмат...

Чунки тинчлик қўлга киритаётган ютуқлар...

Бугун айрим мамлакатларда бўлаётган...

Инсон ҳаёти йўлга ўхшайди. Бу йўлда тур...

Зеро, тилансизлик юксалиш бўлмаганидай...

Айтиш, ана шундай жаннатноманд юртда...

Мақолаимизни бежиз "Аввал Ватан, кейин жон"

давлатларда ўз соҳаси бўйича билим ва...

Фузулий айтганидек, "Менинг битта ҳаётим...

Инсон ҳаёти йўлга ўхшайди. Бу йўлда тур...

Зеро, тилансизлик юксалиш бўлмаганидай...

Айтиш, ана шундай жаннатноманд юртда...

Муносабат

Сўнгги ўн йилда Қорақалпоғистонга бутунлай...



Қутли ХОШИМБЕТОВА, Кўнгирот тумани "Қорақалпоғистон" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси...

Олис туманларда аҳоли бандлигини таъминлашга...

ЮКСАК МАҚСАДЛАР ИЛА ЯШАШ САОДАТИ



толиқиб, адоғи кўринмайдиган бийдай қум...

масалани ҳал этишга қаратилган қақриқ...

ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ўрмон хўжалиги...

Оролбўйи халқроқ инновация марказининг...

Яна бир қувончли хабар, чўлланишни камайтириш...

Президентимиз "Яшил макон" умуммиллий...

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪЛИМИДАН МАДАНИЯТИ САРИ



Акmal САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Инсон ҳуқуқлари маданияти нима дегани?

Кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари таълими ва инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бошқа ҳар қандай маданиятлар қатори инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, ривожлантириш ва юксалтириш учун, ўз навбатида, айна соҳада таълим ва тарбия бериш, билим ва кўникмаларини ошириш, тегишли ахборот ҳамда маълумотларни тақдим этишни тизимли йўлга қўйиш керак бўлади. Негаки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга:

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия;
 - ушбу ҳуқуқлар тўғрисида билиш ҳуқуқи;
 - жамият ва ҳамжамиятларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда тарғиб этишининг усуллари ва воситалари қиради.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим барча ёшдаги инсонларни қамраб оладиган ҳаётини маърифат жараёнидир.
- Таълим адолатсизликка барҳам бериш усули бўлса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим соҳадаги энг мақбул усуллардир. У демократик жамият қуриш мақсадида ҳуқуқлар, эркинликларни аниқлаб етиш ва улардан фойдаланиш, мажбурийларга амал қилишни назарда тутувчи инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари маданияти ҳуқуқий маданият эмас, балки бир қадар аниқ йўналишли экани, яъни шахста йўналиштирилгани билан алоҳида ажралиб туради. Инсон ҳуқуқлари маданияти қуйидаги 4 та усурдан иборат:

- биринчиси** — инсоннинг ўз ҳуқуқларини билиши;
- иккинчиси** — шу ҳуқуқларини рўёбга чиқариши;
- учинчиси** — бу жараёнда ўзгаларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги;
- тўртинчиси** — бошқаларга ҳам ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришида ёрдам бериши.

Инсон ҳуқуқлари маданияти ҳар бир жамиятда барқарор тараққиёт, тинчлик ва фаровонликнинг муҳим пойдевори, инсонни қадрлаш ва ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий мезонидир. Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидандир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминлаши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим қафолатидир. Биз бу фикрнинг янада теран аниқла олишимиз керак. Шу нуқтага назардан, Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт".

Шу боис, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш, уни миллий ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айна чоғда жамиятимизда конституциявий маданиятни шакллантириш долзарб ва устувор вазифалар сирасига қиради.

Давлатимиз раҳбари ўқитганидек, "Ислохотларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги кунда биз Конституциямизнинг ҳар бир нормасини давлат ва жамият ҳаётида амалий фаолият мезонига айлантиришимиз зарур. Айниса, Ёшларимизга Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўргатиш, уларни конституциявий қадриятлар асосида юксак оғил ва ватанпарвар фуқаролар, сиёсий тафаккур ва ҳуқуқий маданият эгалари этиб тарбиялаш олдимизда турган гоят муҳим вазифадир".

БМТнинг инсон ҳуқуқлари таълимига алоҳида эътибори

БМТ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга катта эътибор бериб келаётгани бежиз эмас. Чунки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсон ҳуқуқлари ва асосий ҳуқуқларини амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тенгликни таъминлашга сезиларли даражада кўмак бериш, низолар ҳамда инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва демократик жараёнларда иштирок этишни кучайтиришга ҳисса қўшишга қаратилган. Яъни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим турли жамиятларда тили, танасининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёхуд бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ҳеч қандай камситилишига йўл қўймасдан барча инсонларни қадрлаш ва ҳурмат қилишга ўргатади.

Ушбу соҳадаги таълим нормалари кўплаб халқаро ҳужжатларга киритилган. Даставвал, 2011 йил 19 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганни қайд этиш лозим.

Мазкур декларацияда белгиланганидек: **биринчидан**, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси таълим олиш ва ўқитиш орқали инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга кўмаклашиши лозим; **иккинчидан**, ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга ва таълим инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга, қадр-қимматини ҳис этишга, барча кишиларга эркин жамиятнинг фойдали иштирокчилари бўлишига, барча миллатлар, ирқий, этник ёки диний гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик ва дўстликни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Декларация БМТга аъзо давлатларга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни таъминлаш ҳамда рағбатлантириш юзасидан аниқ мажбуриятлар юклайди. Финляндия, Германия, Корея Республикаси, Туркия, Озарбайжон каби 60 га яқин давлат ушбу декларация асосида ўз миллий дастурларини қабул қилган, улар сафида Ўзбекистон ҳам бор.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганга қадар, яъни 2004 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълими дастури эълон қилинган. Бундан мақсад барча давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бизнес секторида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим дастурларини амалга оширишга кўмаклашидир.

Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг қуйидаги 4 та босқичи амалга оширилди:

- биринчи босқич:** 2005-2009 йиллар — мактабларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим жараёналарини қамради;
- иккинчи босқич:** 2010-2014 йиллар — олий таълим тизими, шунингдек, ўқитувчи-мурабийлар ва давлат хизматчилари учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга бағишланди;
- учинчи босқич:** 2015-2019 йиллар — оммавий ахборот воситалари вакилларида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим берилди;



тўртинчи босқич: 2020-2024 йиллар — таълим тизими орқали ёшларда тенглик, камситмаслик, бағрикенглик ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш каби муҳим принципларни мустаҳкамлаш, шу орқали инклюзив, тинч ва адолатли жамиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

БМТ томонидан 2025-2029 йиллар Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим дастурининг бешинчи босқичини амалга ошириш дари сифатида эълон қилинди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 2024 йил 9 октябрда "Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури: бешинчи босқич учун ҳаракатлар режаси" бўйича резолюциясини қабул қилди.

Декларацияни амалга оширишда Ўзбекистоннинг иштироки қандай?

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш билан боғлиқ ушбу глобал жараёнда Ўзбекистоннинг ўрни ва иштироки айнан нималарда намоён бўлмоқда, деган савол туғилиши табиий.

Бу ҳақда фикр юритганда, даставвал, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, бу жараёнда фол иштирокчи сифатида қатнашиб келаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тўғрисидаги декларациясини ишлаб чиқиш юзасидан мамлакатимиз 2004 йилдаёқ ўз тақлифларини тақдим этган.

Бошқача айтганда, бу борадаги фол иштирокимиз, бир томондан, тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича Ўзбекистоннинг ташаббускорлиги мисолида яққол кўзга ташланса, иккинчи томондан, соҳага оид халқаро ҳужжатларни рўёбга чиқаришга қаратилган миллий ҳуж-



“Бугунги кунга қадар Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини амалга ошириш борасида “йўл харитаси”нинг 30 бандидан 17 та банди бўйича ишлар тўлиқ бажарилган, бу кўрсаткич қарийб 57 фоизни ташкил этади. Қолган бандлар ижроси юзасидан ишлар изчил давом этмоқда.

жатларни тасдиқлаш ҳамда тизимли асосда амалга оширишимизда кўринад.

Айниса, кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳаси, жумладан, ушбу йўналишдаги таълимни такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Фикримиз бир қатор амалий мисоллар билан изоҳлашга ҳаракат қиламан.

Биринчидан, мамлакатимиз парламенти томонидан 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича **Миллий ҳаракатлар дастури** қабул қилинди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси тасдиқланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг ижросини таъминлашга қаратилган "Йўл харитаси" 78 та банддан иборат бўлиб, 2020-2025 йилларда амалга оширилди. Миллий стратегия ижроси доирасида, жумладан, олий ўқув юрталари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.



“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг 78-та банддан иборат бўлиб, 2020-2025 йилларда амалга оширилди. Миллий стратегия ижроси доирасида, жумладан, олий ўқув юрталари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Учинчидан, 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" глобал форуми ўтказилди. Ушбу форум Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида илгари сурган ташаббуслари асосида ташкил этилди ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни янада ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланди.

Самарқанд форуми доирасида мамлакатимиз олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари, давлат органлари ва ННТ вакиллари учун жами 7 миңдан зиёд иштирокчи қамраб олинган инсон ҳуқуқлари бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди. Форумнинг муҳим натижаларидан бири **Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси** қабул қилинган бўлди.

Ушбу ҳужжат минтақамизда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни янада мустаҳкамлашга қаратилган амалий дастурдир. У инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни минтақавий даражада янада мустаҳкамлашга қаратилган амалий дастур сифатида хизмат қилиши баробарида жаҳон таълим соҳасида илҳомланган ҳолда бу соҳадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва ислохотларни янада жадаллаштириш зарурлигини яққол намоён этди.

Миллий-ҳуқуқий асослар: янги Ўзбекистон таълими

Янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсати доирасида қабул қилинган муҳим қарорлар, халқаро ташаббуслар ва амалий чора-тадбирлар бошқа соҳалар қатори инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Бу жараён дунё ҳамжамиятидаги илгор таърибалар, хусусан, БМТнинг ушбу йўналишдаги ҳужжат ва тавсияларига асосланиб амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури доирасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, таълим жараёнининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини жорий этиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунга биргина мисол: 2020-2024 йилларда бутун дунёда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи доирасида:

- биринчидан**, инклюзив, тинч жамиятни яратишга имкон берадиган тенг ҳуқуқлилик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва камситмаслик руҳида ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш;
- иккинчидан**, хотин-қизлар ва болаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибидида "ҳеч кимни ёлдан чиқармаслик" мақсадида мувофиқ аҳолининг заиф қатламлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилди;
- учинчидан**, педагог кадрлар, шу жумладан, болалар ва ёшлар билан ишловчи тарбиячилар учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ташкил этиш;
- тўртинчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича тегишли тадқиқотлар

ўтказиш, баҳолаш, илгор таъриба ва олинган сабақлар билан ўртоқлашишга қаратилган амалий ишлар бажарилди.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 7 июндаги фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ташкил этилган бу борада долзарб ва тарихий аҳамият касб этди.

Фармойишда Миллий комиссияни тузишдан қўзланган асосий мақсад барча учун универсал булган ҳуқуқни ҳимоя қилиш нормалари ва принциплари, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишнинг халқаро қонунлари тўғрисидаги қабул қилинган, шунингдек, ушбу йўналишдаги ишлар самардорлигини янада оширишдан иборат экани таъкидланди, унинг вази ва ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, халқаро шартномалар нормалари ва стандартлари, БМТнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи тузилмалари тавсиялари ҳамда Ўзбекистон жамиятининг тарихий, миллий ва маданий қадриятларини инобатга олган ҳолда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини ишлаб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Шу тариқа дунё таърибасидан андоза олган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тизимидидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан **Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури** тасдиқланди. Ушбу муҳим ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 75 йиллигини нишонлаш бўйича бутун дунё миқёсидаги кампания дарида қабул қилинган улкан аҳамиятга молик бўлди.

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурида белгиланган ахборот бериш, маърифат ва ўқитиш тизимини босқичма-босқич кенгайтириш

ҳамда такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар талаблари асосида янги босқичга олиб чиқиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишлари ва асосий вазифалари ижроси таъминланди.

Ўзбекистонда нима учун ушбу таълимга устувор эътибор қаратилмоқда?

Мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга устувор эътибор берилмоқда. Нега деганда, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ривожлантириш бу борада зарур билим ва тушунчаларга эга бўлишни тақозо этади. Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон ҳуқуқий давлатдир.

Президентимиз ташаббуси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб, уни миллий таълим тизимига тўлиқ интеграция қилиш, барча бўғинларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишни мақсад қилган кенг қамровли дастурни ҳаётга табиқ этишга йўл очди.

Шу билан бирга, дастур ахборот бериш, маърифат ва ўқитиш тизимини босқичма-босқич кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар талаблари асосида янги босқичга олиб чиқиш бўйича изчил юридикал давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб беради.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури 7 та устувор йўналишдан иборат. Яъни:

- биринчиси** — ёшларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги баҳардорлигини ошириш;
- иккинчиси** — давлат органлари ҳодимларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш;
- учинчиси** — инсон ҳуқуқлари соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
- тўртинчиси** — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги баҳардорлигини ошириш;
- бешинчиси** — инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш;
- олтинчиси** — замонавий технологиялар, баъдий асарлар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия бериш тизимининг самардорлигини ошириш;
- еттинчиси** — инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Айни устувор йўналишлар доирасида мамлакатимиз ҳудудларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимлари учун тизимли асосда ўқув курслари ўтказилди. Ёшлар ўртада ҳуқуқий машғулотлар, "ёғли мактаб" лар, ижтимоий тадқиқотлар ва турли танловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда барча ҳудудий ахборот-ресурс марказларида "Конституция ва инсон ҳуқуқлари" номли адабиётлар бурчага (ўқув, илмий-услубий, халқаро нашрлар ва бошқалар) ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахборот-кутубхона марказларида ҳам шундай адабиёт бурчалари очилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва унинг ҳудудий кутубхоналари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига инсон ҳуқуқлари бўйича 6 миң 442 нусxada адабиётлар тақдим этилди.

Бугунги кунга қадар Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини амалга ошириш борасида "йўл харитаси"нинг 30 бандидан 17 та банди бўйича ишлар тўлиқ бажарилган, бу кўрсаткич қарийб 57 фоизни ташкил этади. Қолган бандлар ижроси юзасидан ишлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳолати, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар бажарилишини мониторинг қилишда жамоатчилик назорати ролини ошириш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳам БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномалар қўмиталари қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг ва маслаҳатлашувлар амалга ошириб келинмоқда. Таъкидлаш жоиз, 2025 йил 15 январда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2024 йил 9 октябрдаги "Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури: бешинчи босқич учун ҳаракатлар режаси" номли 57/10-сонли резолюцияси ижроси юзасидан тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳисоботи БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комитетга топширилган тақдим этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тайёрлаган ушбу маълумот "Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга оширишни баҳолаш" мавзуси борасида

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комитетга маърузасида ўз аксини топди. Мазкур ҳужжат Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2025 йил 8 сентябрдан 3 октябргача Женевада бўлиб ўтган олтинчи сессиясида кўриб чиқилди.

Ҳисоботда Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича миллий комиссиянинг фаолияти, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури ва унинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг, инсон ҳуқуқлари бўйича асосий конференциялар хусусида ижобий фикрлар билдирилди.

Бешинчи босқич: қандай янги вазифалар белгиланди?

Вазирлар Маъҳасининг 2026 йил 3 мартдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия таркиби ҳам тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" 24 банддан иборат. Унда инсон ҳуқуқлари соҳасида ва ўз вақтида амалга ошириш каби долзарб мақсадларга эришиш чора-тадбирлари белгиланди.

Жумладан, ҳар йили декабрь ойида "Инсон ҳуқуқлари" ҳафталигини ташкил этиш, мактабларда "Келажак соати" дарсларига инсон ҳуқуқларига оид мавзуларни киритиш, аҳоли ўртасида экологик ҳуқуқлар бўйича ахборот-тарғибот кампаниялари ўтказиш каби тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

Қоррада бу борада қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига тегишли вазифалар юклатилди. Хусусан:

- Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига — инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим билан боғлиқ муаммоларни йўналишларга қаратилган мақсадли илмий тадқиқот лойиҳалари таловини эълон қилиш;
- Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлигига — педагог кадрлар учун "Атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши бўйича ҳуқуқий билимлар" мавзусида тематик малака ошириш курслари ташкил этиш;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказга — "Болалар ва ёшлар учун инсон ҳуқуқлари таълими: гендер тенглик, иқлим ўзгариши ва рақамли инклюзия" миллий инновацион ташаббуслар таловини ўтказиш;
- Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига — ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари бўйича семинар-тренинглار ўтказиш;
- "Эл-юрт умиди" жамғармасига — инсон ҳуқуқларининг долзарб масалалари бўйича хорижий олий таълим ва илмий ташкилотларида малака оширишни ташкил этиш.

Жорий йилда, бир томондан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тўғрисидаги декларациясининг 15 йиллиги, иккинчи



Ифтихор



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ШИРИН МЕВАСИ

ДУНЁНИНГ НУФУЗЛИ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИГА 100 ФОИЗЛИ ГРАНТ СОҲИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари — Элбек Зоҳиджонов ва Асилбек Суннатовнинг ота-оналари бугунги таълим ислоҳотлари меvasини кўриб турибди. Зеро, иккала ўқувчи ҳам АКШнинг нуфузли олийгоҳларидан бири — Массачусетс технологиялар институтининг (МТИ) 100 фоизли грантини кўлга киритди. Ушбу грантнинг умумий қиймати 385 минг долларни ташкил этади.

Дунёнинг биринчи рақамли техника университети бўлган МТИ илм-фан ва инновациялар маркази сифатида танилган. Ҳар йили университетга ҳужжат топширадиган минглаб ёшларнинг қабул кўрсаткичи атиги 4 фоиз экани рақобатни таҳмин қилаверасиз. 100 дан ортиқ Нобель мукофоти совриндор эштиб чиққан олийгоҳга ҳужжат топширининг ўзи ҳам шу маънода бир ютуқ, аслида. Асилбек ва Элбекнинг талабалikka қабул қилиниши эса мамлакатимиз микёсидаги улкан натижа. Зеро, молиявий жағвармаси қарийб 25 миллиард доллар бўлган МТИ иқтидорли талабаларга йирик тадқиқотлар ўтказиши учун чексиз имкониятлар беради. Шу жиҳатдан йигитлар халқаро олийгоҳларда ўқиш орсусида юрган тенгдошлари қалбидаги уқунни алангалатган бўлса, ота-оналарнинг эса бу йўлдаги масъулиятини янада оширди. Энди профессионал таълимга йўналиштирилган сармага салмоғи орта ордаки, сира қамаймайди.

Суннатов 9-10-синфларда халқаро нуфузли математика олимпиадасида икки марта кумуш медаль совриндори бўлди. Ихтисослаштирилган мактабдаги устози Камолитдин Юсупов унинг математикага қизиқишини янада оширди. Бунинг учун унга вақт ажратиб, илми ва меҳрини ямади. Чанқоқ шогирд эса SAT, IELTS имтиҳонларидан юқори натижаларни кўлга киритди. Утган йили халқаро информатика олимпиадасида Ўзбекистон тарихидаги биринчи кумуш медалга эришди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАКАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ҳаяжонда қолдик. Бир-биримизни табрикладик, — дейди Асилбек Суннатов. Узининг МТИга қабул қилинишидан кўп умидвор бўлмаган, мактабдоши учун қувониб турган Элбек Зоҳиджонов ҳам омади келганига дастлаб ишонмади. Зеро, ўша паллага гача барибир балим етмаса керак деган ўйда эди. Шунинг учун ҳам ўзи эришган натижа уни ижобий маънода доводиратиб қўйди. Игитлар ўзи ўқийётган мактабда замонавий шарт-шароитлар етарлиги бораборида

ўқитувчиларнинг барчаси тажрибали экани муваффақиятининг муҳим омилли деб билади. Бундай имконият халқаро университетларга ўқишга киришда катта ёрдам бергани, давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлашда янгича ёндашувларни таклиф қилаётгани бежиз эмаслигини алоҳида эътироф этди.

кўрсаткичлар анча юқори бўлиши керак, — дейди Элбек Зоҳиджонов. — МТИ дунё бўйича энг кучли ўқувчиларни таллаб олади. Биз эса ана шундайлар билан беллашиш учун фақат ва фақат профессионал билим олдик. Мактабимизда дарслар бошқачароқ форматда, қийинлаштириб ўтилади. Олимпиада пайтида ана шу формат жуда асқатди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб таълими халқаро андозлар даражасига чиқяпти. Мактабда хал-

қаро бакалавриат (International Baccalaureate) нинг Урта йиллик (Middle Years Programme) дастури бўйича аккредитация жараёни муваффақиятли ўтди. Муассаса Ўзбекистондаги ушбу нуфузли халқаро мактабга эга илк давлат мактаби бўлди.

Дунёнинг етакли техника университетига тахсил оладиган ёшларимиз йирик тадқиқотлар билан шуғулланиши аниқ. Уларнинг бу борадаги режалари ҳозирдан оқибатга қадар қўйилган. — 2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган мактабимизнинг ҳар бир ютуғи нафақат ўқувчиларнинг, балки ота-оналар, устозлар ва бутун халқимизники.

Муножат МҰМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ВИРТУАЛ МАКОН:

ФУҚАРО МАНФААТЛАРИ унда қанчалик ҲИМОЯЛАНГАН?



Рақамли технологиялар — кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас қисми. Банк хизматлари, кредит тизими, турли хизмат кўрсатиш платформалари, тўлов ва ҳисоб-китоб амалиётлари аллақачон виртуал маконга кўчган. Бир пайтлар ҳужжат, навбат, муҳр ва имзо билан боғлиқ мураккаб жараёнларни бугун бир неча сония ичида электрон қурилмалар орқали амалга ошириш имкони мавжуд.



Нодирахон ОБИДОВА, Тошкент давлат юридик университети талабаси

Аммо рақамли маконнинг ҳам муаммолари масалалари, хавф омиллари бисёр. Ахборот оқими тезлашган, шахсий маълумотлар айланмиш кенгайган сари инсонларнинг ҳуқуқий хавфсизлиги масаласи мураккаблашиб борапти. Хусусан, фуқаролар номига яширинча кредит расмийлаштириш, биометрик маълумотларни ноқонуний эгаллаш, мобил иловалар орқали аккунтларни бузиш, электрон идентификацияни сохталаштириш ҳолатлари кескин кўпайган. Ҳатто айримлар ўз номига қарз ёзилганини ҳеч билиб, молиявий ва руҳий босим остида қолмоқда.

қацияни бузиш, паролларни кўлга киритиш, биометрик маълумотларни ўғирлаш, мобил иловалар орқали тизимга кириш йўлларидан фойдаланмоқда. Бугун энг кўп учраётган кибержиноят турларидан бири — шахсий маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш асосида кредит расмийлаштириш. Фирибгарлар ижтимоий тармоқлар, сохта сайтлар, телефон кўнгирақлари, ёлгон хабарлар орқали фуқароларнинг паспорт маълумотлари, банк реқвизитлари, СМС кодлар, биометрик тасвирларни кўлга киритмоқда. Ушбу ахборотлар асосида турли молиявий платформаларда сохта транзакцияларни амалга ошириб, кредитлар расмийлаштирилмоқда ёки электрон ҳамёнлардан маблағ ечиб олиш ҳолатлари кузатилади. Мазкур жараёнда “иктимоий муҳандислик” деб аталадиган усуллар алоҳида ўрин тутди. Жинойтчи техник ҳимоя тизимларини бузишдан кўра кишиларнинг ишонувчанлигини, шашқалоқлигини, ҳуқуқий саводсизлигини фойдаланиши маъқул кўради. Яъни у ўзини банк ходими, давлат вакили, техник мутахассис сифатида таништириб, фуқарони алдаш орқали махфий маълумотларни олишга эришади. Тизим техник жиҳатдан ҳимояланган бўлса ҳам одамларнинг содда ва ишонувчанлиги ўзига панд бериб

жойлашган бўлиши мумкин. Шу каби қатор мураккабликлар туфайли рақамли жиноятчилик бугунги даврнинг яширин тахдиқи сифатида жамият барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. У молиявий тизимга ишончи сусайтиради, инсонларни доимий хавотирда яшашига мажбур этади, давлат ва фуқаро ўртасидаги ишонч ришталарини заифлаштиради. Шу боис, кибержиноятчиликни англаш, унинг механизмларини чуқур ўрганиш, ҳуқуқий ва институционал чораларни изчил ривожлантириш ҳар қандай замонавий ҳуқуқий давлат олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Субъект, ирода ва розилик

Кредит муносабатлари замонавий иқтисодий тизимнинг асосий таянч устуниларидан бири саналади. Кредит шартномаси икки томон ўртасидаги онгли келишув маҳсули бўлиб, ҳар қандай ҳуқуқий битимнинг асосида учта муҳим омил муъассаси: субъект, ирода ва розилик. Субъект — ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш лаёқатига эга бўлган шахс. Ирода — шахннинг ички хоҳиши, онгли қарори, мустақил танлови. Розилик эса ушбу иродани ташқи шаклда ифода-лаш, уни ҳуқуқий кучга эга ҳолатга келтириш жараёнидир. Кредит шартномаси ана

баҳоланмайди, битим шаклан мавжуд бўлиб кўринса-да, мазмунан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Чунки унда асосий элемент — эркин ирода мавжуд бўлмайди. Фирибгарлик, алдов, маълумотларни ноқонуний кўлга киритиш орқали амалга оширилган кредит операцияси ҳуқуқий битим эман, жиноят механизмининг бир қисмидир.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида битимнинг ҳақиқийлиги шахннинг онгли розилигига бевосита боғлиқ ҳолда баҳоланади. Агар

Ишончни мустаҳкамловчи асосий омил

Рақамли иқтисодиёт даврида молиявий хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканини айтдик. Юртимизда кейинги йилларда масофавий банк хизматлари, онлайн кредитлаш, мобил тўлов тизимлари жадал ривожланиб, аҳолининг молиявий фаоллиги сезиларли



Мулоҳаза

Ҳуқуқий тиклаш механизми нафақат моддий зарар, балки маънавий ва иқтимоий оқибатларни ҳам ҳисобга олади. Фирибгарлик қурбони бўлган шахс кўпинча руҳий босим, стресс, ишонсизлик ҳолатини бошдан кечирилади. Молиявий муаммолар оилавий муҳитга, меҳнат фойдаланишга, жамиятдаги мавқега таъсир қўрсатади. Шу сабабли тиклаш жараёни инсон шаъни ва қадр-қимматини қайта тиклаш билан узвий боғлиқ ҳолда кечиши зарур. Бундан ташқари, ҳуқуқий тиклаш механизми рақамли жамиятда ишончни мустаҳкамловчи асосий омилдир. Агар фуқаро жиноят қурбони бўлган тақдирда давлат ва молиявий тизим уни ёлғиз қолдирмаслигига ишонч ҳосил қилса, рақамли хизматлардан фойдаланишга бўлган муносабат ижобий шаклланади. Акс ҳолда, технологик ривож жамиятда кўрқув ва хавотир манбага айланади. Рақамли адолат тушунчаси шахс ҳуқуқларининг виртуал маконда ҳам реал ҳаётдаги каби ҳимояланганини аниқлатади. Инсон интернет хизматидан фойдаланган пайтида ўзини хавфсиз, ҳимояланган, ҳуқуқлари эътиборда бўлган субъект сифатида ҳис қилиши лозим. Агар рақамли муҳитда содир бўлган жиноят оқибатлари фуқаронинг зиммасига юкланса, ишонч механизми издан чиқади, оқибатда одамлар рақамли хизматлардан воз кечади, норасмий йўлларга мурожаат қилади, молиявий фаоллик пасаяди.

Хуқуқий ишончнинг асосий манбаи давлат ва институтларнинг масъулиятидир. Фуқаро муаммога дуч келган тақдирда унинг мурожаати тингланмишига, адолатли баҳо берилишига, ҳуқуқи тикланишига ишончи керак. Шу жараёнда суд органлари, банклар, назорат тузилмалари, ҳуқуқий муҳофиза қилувчи идоралар ўзаро уйғунликда фаоллаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Рақамли адолат фақат муаммога жавоб қайтариш билан чекланмайди. У профилактика, огоҳлантириш, таълим ва ахборот сиёсатини ҳам қамраб олади. Фуқароларга киберхавфсизлик асослари, шахсий маълумотларни ҳимоялаш усуллари, хавфли схемаларни аниқлаш йўллари мунтазам тушунтирилиши зарур. Ҳуқуқий саводхонлик ошиши билан фирибгарлик учун қулай муҳит торади. Омивий ахборот воситалари ушбу жараёнда муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий-сиёсий газеталар, интернет нашрлари, телеканаллар, радиодустанлар орқали аҳолига реал мисоллар, ҳуқуқий шарҳлар, мутахассислар фикри етказилиши лозим. Ахборот фақат воқеани ёритиш эмас, балки жамият онгли шакллантириш учун хизмат қилиши керак. Рақамли маданият айнан шундай узлуксиз маърифий жараён орқали ривожланади.



шу уч омил уйғунлашган тақдирдагина ҳақиқий ҳуқуқий мақом касб этади. Рақамли муҳитда ушбу жараён электрон шаклга ўтмоқда. Имзо ўрнини электрон тасдиқлаш, ҳужжат ўрнини рақамли платформалар, шахсий иштирок ўрнини масофавий идентификация тизимлари эгаллапти. Биргина тутгани боиси, СМС кодни киритиш, биометрик тасдиқлаш орқали катта миқдордаги молиявий мажбурий шаклланиши мумкин. Бунда шахннинг ҳақиқий розилиги мавжуд бўлмаса, битим ҳуқуқий моҳиятини йўқотади. Розиликсиз расмийлаштирилган кредит ҳуқуқий муносабат сифатида

Мозий – ҳақиқат тарозиси

РУҶИЙ ҚУВВАТ ТАНА ҚУВВАТИДАН ҲАМ

жуҷлидир

Сўнги йилларда Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан тарих фанида биз учун мутлақо янги — ҳарбий меросни ўрганиш йўналиши пайдо бўлди. Бу борада изланишлар эса ўз натижасини бера бошлади. Улардан бири IX асрда Абу Усмон Амр ибн Бахр Жохиз томонидан араб тилида ёзилган “Туркларнинг фазилатлари” асарининг илмий муомаллага киритилиши бўлди.

Араб тили ва адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Абу Усмон Амр ибн Бахр Жохиз тахминан 777 йили Басрада туғилган ва 869 йили шу шаҳарда оламдан ўтган. Ўз даврининг етук алломаларидан бири бўлмиш Жохизнинг 370 га яқин китобидан йигирма бештаси тўлиқ ҳолатда, олтинчи бештасининг эса муайян қисмлари бизгача етиб келган. Улар орасида “Туркларнинг фазилатлари” асари ҳам бор. У араб тилидаги энг қадимги манбалардан бири ҳисобланади. Асар халифа Муътасим даврида яратилгани бежиз эмас. У туронликларга қаттиқ ишонган. Биринчидан, унинг онаси, демак, Хорун Рашиднинг хотини Морида туронлик турк қизларидан эди. Иккинчидан, унинг қўшини асосан бир неча минг туркий аскардан ташкил топган ва энг ишончли саркардаси Абу Жаъфар Ашинас турк эди. Турк хоқонлиги асосчилари — ашиналийлар уруғидан бўлган бу ҳарбий арбоб халифалик ҳаётида ўта юксак макени эгаллаган. У олдинги халифаликнинг Миср, Шом ўлкаларини, кейинчалик бутун ҳарбий қўшинларини бошқарган. Муътасимнинг яна бир атоқли саркардаси Хайдар ибн Ковус ҳам келиб чиқишига кўра Уструшона афшинларидан эди.

Жохиз мазкур рисоласини халифа Муътаваккилнинг келиб чиқиши фарғоналик бўлган маслаҳатчиси, айғоқчилик хизмати бошлиғи сифатида хизмат қилган Фатх ибн Хоқонга бағишлаганини ҳисобга олсак, туронлик ҳарбийларнинг халифалик ҳаётида тутган ўрни янада яққоллашади. Демак, тўққизинчи ғазилликка келиб, туркий ҳарбийлар халифаликда муҳим сийёси кучга айланган. Халифалар уларнинг ҳарбий маҳоратига таяниб қолгани боис, туркларнинг фазилатларини тарғиб қилган. Халифа Муътаваккил аскарликка олинган турклар ватанига қайтишни истаб қолмаслиги учун уларни Турондан атайин олиб келтирилган аёлларга уйлантиргани эса халифалик ҳаётидаги яна бир ҳарбий аждодларимизга қанчалик боғлиқлиги қолганини кўрсатади, албатта.

Араб саркардалари ва Жохизнинг туронликлар ҳақидаги шахсий қарашлари баён этилган ушбу асарда турклар деганда муаллиф биз, ўзбеклар аждодлари — Турон ахлини кўзда тутган. Негаки у пайтларда туркий қатламлар ҳозирги Эрон, Кавказ, Туркияда тарқалмаган эди.

“Туркларнинг фазилатлари” ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, айниқса, миллий ҳарб ишлари ўрганишда ўта қимматли манба бўла олади. Ундаги ҳарбий бошқарув тизими, ҳарбий маҳорат ва салоҳият, уруш усуллари, курол-яроғлар ва улардан фойдаланиш, йилқиччилик фаолияти алоҳида ўрганилган мавзу.

Жохиз туронликларнинг ботирлигини бир жумла орқали бундай ифодалайди: “Араб қўшинларининг юрагини турклар каби кўрқитган ҳеч бир халқ йўқ”.

Жохиз туркларнинг ҳарбий бошқаруви чумолиларнинг фаолияти ва бошқаруви



га ўхшатади. Унга кўра, чумолилар тартиби ва ҳар бирининг алоҳида ҳамда жамоавий ҳаракати туркийларнинг жангчилик ва ҳарбий маҳоратини тушунишда амалий ёрдам сифатида хизмат қилади. Чумолиларнинг ҳар бир ҳаракати тизимли ва мақсадли бўлганидек, туркий ҳарбийлар ҳам ўз вазифаларини аниқ англаб, урушда самарали иш туттади.

Туркий аскарларнинг ҳар бири ўз вазифасини яхши билади ва жанг майдонида мустақил

йиллар давомида бошқа халқларни ҳайрон қолдириб келган. Бунинг гувоҳи бўлган араблар ҳарбий юришларининг илк даврларидаёқ ўз қўшинларига тўрт минг бухоролик ёйчинни кўшиб олгани маълум. Улар Басрада бир кўчага жойлаштирилган ва бу жой “Бухороликлар кўчаси” номи билан машҳур бўлган. Бу ёйчилар халифалик қўшини таркибига жалб қилинган илк туронлик аскарлардир.

“Туронликнинг орқага чекинishi ўлдургучи заҳар қабиридир, чунки олдинга қандай

қарор қабул қилиш қобилиятига эга. Чумоли мисолидаги озикни сақлаш ва ҳамроҳларига ёрдам қилиш ҳар бир туркийнинг жангда ўз ўрнини мустақил назорат қилиш қобилияти билан уйғундир. Бу шахсий маҳорат ва кенг кўламли фикрлашнинг илк намунасидир.

Чумолиларнинг йўлни давом эттиришдаги тез ҳаракати туркий отлик қўшинлар ҳаракатларига ўхшаш. Туронликлар қўшинини тез ҳаракатлантириш, душман чегараларини аниқлаш ва қутилмаган ҳужумларни амалга оширишда бу қобилиятдан фойдаланади.

аниқ маҳорат билан ўқ отса, орқага ҳам худди шундай ўқ уза олади. Арабларнинг “Туронликнинг орқага чекинishi ўқ отишга қарши саф тортсалар, уларнинг ҳаммаси қарши томондаги камчиликни кўрадилар. Агар сафда камчилик ва ғалаба умид қиладиган ҳолат бўлмаса, тўғри йўл чекинмади. Туркларнинг ҳаммаси камчиликни кўради ва топади. Бирга ишга киришганлари учун ҳаммасининг қадри ва муқофотлари бирдир”.

Кўшиндаги аскарларнинг яна бир фазилати уларнинг ҳар бири душман қўшинидаги камчилик ва заифликларни кўра олиши билан боғлиқдир: “Турклар бир душманга қарши саф тортсалар, уларнинг ҳаммаси қарши томондаги камчиликни кўрадилар. Агар сафда камчилик ва ғалаба умид қиладиган ҳолат бўлмаса, тўғри йўл чекинмади. Туркларнинг ҳаммаси камчиликни кўради ва топади. Бирга ишга киришганлари учун ҳаммасининг қадри ва муқофотлари бирдир”.

Туркларнинг ҳарб ишидаги маҳорати ва салоҳияти ҳақида ёзган Жохиз бу хислатларни уларга Яратган томонидан инъом этилган юрт билан боғлиқ экани ва бундай ҳолат дунёдаги бошқа халқларда учрамаслигини айтади.

“Туркларнинг аёллари ҳам эркакларидек жасур, мард. Уларнинг от-уловлари ҳам ўзига хос. Тангри уларнинг юрти, тупроғини ана шундай алоҳида қилиб яратган. Ер юзидаги барча юртлар ва уларда яшайдиган инсонларнинг қуввати ҳам, умр узунлиги ҳам ўша юртиники қандай бўлса, шунга мос бўлади”.

Туронликларнинг жангда кўрсатган жасоратини бошқа бирор халқда кўриш мумкин эмас, деб ёзган Жохиз, араб бир ўқни отгунча, туронлик ўнга ўқни нишонига уришини алоҳида ургулайди. Чиндан ҳам аждодларимизнинг ёйчилик борасида маҳорати минг

“Туркнинг оти устида на оғирлиги билинади, на ерда юрганда оёқ товуши эшитилмади. Турк биздан бир чавандоз олдига кўрмаган нарсани орқасида турганида кўради. У биздан бир чавандозни ўлжа деб билади ўзини эса йирткич барс санайди, уни кийик деб, ўзини эса овчи деб ўйлайди. Аллоҳга қасамки, агар бир турк қудуқнинг тубига қўлларини боғланган ҳолда ташланса ҳам ундан чиқиб йўлини топади. Уни ҳеч қандай хийла чорасиз қолдиришмайди”.

Араб лашкарбонис тилидан келтирилган ушбу фикрларни асарига қайд этган Жохиз шу орқали туронликларнинг ҳарб ишидаги маҳорати қандай даражада эканини ҳам кўрсатиб берган.

Айниқса, унинг мана бу эътирофи бутун ҳам аҳамиятини йўқотмаган: “Уларнинг табиати ҳаракатга асосланган... Руҳларидаги қувват таналаридаги қувватдан ҳам кучлидир. Чунки улар ёнғин каби қудратли, ҳароратли, ҳаракатга тайёр, зийрак ва фаҳмли одамлардир. Хотиралари кучли, ингоҳлари ўткирдир. Улар камбағалликни ожизлик деб биладилар, узоқ бир жойда бўлишни нодонлик, роҳатни тўсиқ, қашшоқликни шармандалик, жангин тарк этишни эса хорлик деб ҳисоблайдилар. Шундай экан, туркларнинг фазилати (устулиги) ҳаммасини қамраб олади, уларнинг шарафи бошқаларникидан устун бўлади”.

Жанг усуллари

Жохизнинг ёзишча, туркларнинг ҳарбий фаолиятида уларни араб ёки ажама (араб бўлмаган) қавмлардан ажратиб турадиган муҳим жиҳат бор. У ҳам бўлса, улар кимга қарши саф тортишларидан қатъи назар, жангга тайёргарлик жараёнида ўзларига хос, пухта ўйланган тартиб ва ташкилий усуллари танлайди. Биринчи навбатда, душмanning зарари ва хийласини ўз қўшинларидан четлатишни ўйлайди. Шу боис, туркий қўшинлар жанг майдонига бир хил сон, ўхшаш тартиб ва ички интизом билан чиқишга алоҳида эътибор беради.

Агар сулҳга эришишнинг илоҳи топилмаса ва жанг муқаррар бўлиб қолса, туркларнинг асосий сый-ҳаракати ўз қўшинларини химоя қилиш, саф тузилмасини сақлаш ва жангчи кучини юқори даражада сақлаб қолишга қаратилган. Зарурат туғилганда, улар душманга қарши турли хийлалар — алдов, йўлни тўсиш, чалқаштириш ва душмanning

кутилмаган пайтда босиб олиш каби усуллардан фойдаланади. Жохиз бошқа халқлар бу даражадаги ҳарбий хийла ва олдинда тайёрланган усуллари тасаввур ҳам қила олмаганини алоҳида ургулайди.

Муаллиф туркларнинг мустаҳкам деворли шаҳарларга кириб бориш ёки Амударё каби табиий тўсиқларни кесиб ўттишда қўллаган ҳарбий усуллари бўлганига ҳам эътибор қаратган. Бу эса туронликларнинг нафақат очик майдон жангларида, балки қалъа олиш, дарё кечувини таъминлаш ва йирик юришлар каби мураккаб ҳарбий вазифаларда ҳам малакали бўлганини кўрсатади.

“Илк ҳамлага келганда, турклар бу ишда ўта самарали ва тезкордирлар. Улар ҳужум шиддатли, ази мустаҳкам бўлсин, бўшаши-узати. Шунинг учун душман уларнинг орқага қайтаётганини кўриб, ғолиблик дея шошилса, айнан ўша пайт ҳалокатга учраши мумкин. Натijaда туронликлар жанг майдонидан ҳар икки томонга — ҳам олдинга юришда, ҳам орқага қайтаётган пайтда душманга қарши босимни сақлаб қолади. Бу эса уларнинг жанговар устулиги нафақат тўқнашувнинг бир босқичида, балки ҳар бир ҳолатда намоеён бўлишини кўрсатади.

“Туркнинг оти қамиш илдизи ва дарахт шохи билан кифояланади. У отини кўшдан ёки совуқдан химоя қилмайди”. Мазкур ҳолат турк отларининг чўл ва дашт ҳудудларида узоқ сафарлар, ҳарбий юришлар пайтда тез касалланишининг олдини олган, отларнинг ўртча умрини оширишга хизмат қилган.

“Туркларнинг фазилатлари” манбаси ҳарб ишимизни ҳар томонлама ўрганиш, бой ва қадим ҳарбий меросимизни халқимиз ва бутун дунёга тарғиб этиш учун барча асосларимиз борлигини кўрсатади.



Жавоҳир ЗАФАРЗОДА, ЎзФА Тарих институти кичик илмий ходими

масин ва фикри ўзгаришсиз қолсин дея отларини орта бурмасликка ўргатади”. Бу усул уларнинг жанг бошланишида қўлайлигидан ва рақиб сафини ёриб ўтиб, уни саросимага соладиган асосий курол бўлган.

Жохиз бунда асосий эътибор отга қаратилгани, от жангга киришдан олдин ўргатилишини қайд этган. Унга кўра, турк урушдан олдин отига орқага қайтмаслиқни ўргатади, отга фақат олдинга ташланиш ва душман устига шиддат билан ҳужум уюштиришни ўқтиради. Бу эса душмanning саросимага солади ва илк ҳамладаёқ уни чекиншига мажбурлайдиган ҳарбий усул саналади.

Муаллиф Хурсон лашкарларининг камчиликларини таърифлар экан, жанг бошида улар орқага чекиншига мажбур бўлса ёки сафини қайта тиклаш учун ортага юрса, душман устига бостириб келган пайтда кўпинча мағлубият юз беришини айтади. Уларнинг орқага қайтмай туриб, олдинга интилишлари ҳам баъзан зарар етказиши, чунки тартибсиз ҳаракат сафининг бузилишига олиб келади ва душман учун қўлай имкон яратади. Араблар эса бир бор қочсалар, уларни қайта тўхтаб олиш бўлмайди, бундай ҳолдан сўнг улар жуда кам ҳолларда яна ҳужум қилишга журъат этади.

Туронликлар эса бундай эмас. Улар хурсонликлар каби тартибсиз тарзда ҳужум қилмайди ва орқага чекинши ҳам уларнинг жанг услубида душмanning чалғитувчи, кучли зарбага тайёрловчи бир воситадир. Асарда таъкидланишича, туркларнинг орқага чекинishi ўзлари учун эмас, балки душман учун ҳалокатлидир. Чунки туронлик жангчи олдинга қараб қандай моҳирлик билан ўқ отса, орқа томонга ҳам худди шундай аниқлик билан ўқ

“Туркларнинг ҳарб ишидаги маҳорати ва салоҳияти ҳақида ёзган Жохиз бу хислатларни уларга Яратган томонидан инъом этилган юрт билан боғлиқ экани ва бундай ҳолат дунёдаги бошқа халқларда учрамаслигини айтади.

Узоқ сафарларга фақат Турон отлари бардош бера олиши айнан араб муаллифи томонидан айтилиши бу ишда хатто машҳур араб отларининг ҳам заиф эканини аниқлатади. Араблар ва туркларнинг отларини таққослаб Жохиз турк отларининг яққол устулигини таъкидлайди.

“Туркнинг оти қамиш илдизи ва дарахт шохи билан кифояланади. У отини кўшдан ёки совуқдан химоя қилмайди”. Мазкур ҳолат турк отларининг чўл ва дашт ҳудудларида узоқ сафарлар, ҳарбий юришлар пайтда тез касалланишининг олдини олган, отларнинг ўртча умрини оширишга хизмат қилган.

“Туркларнинг фазилатлари” манбаси ҳарб ишимизни ҳар томонлама ўрганиш, бой ва қадим ҳарбий меросимизни халқимиз ва бутун дунёга тарғиб этиш учун барча асосларимиз борлигини кўрсатади.

Курол-яроғлар ва улардан фойдаланиш

Рисолада туронлик ҳарбийларнинг курол-яроғлари ҳақида қимматли фактлар бор. Масалан, найза ҳақида бундай маълумот учрайди: “Арабнинг найзаси узун ва ичи тўладир, туронликнинг найзаси эса қисқа ва ичи бўш бўлиб, ичи бўш ва қалта найзалар жуда қўлай ва жангда унумлиқдир”. Демак, Туронда VIII-IX асрларда асосан қалта, ичи бўш найзалардан фойдаланилган ва бу, айниқса, отликлар учун анча қўлай бўлган.

Ичи бўш ва қалта найзаларнинг бир неча устулиги бор эди: улар осонлик билан қўланади, шиддатни оширади, жанг майдонидан тез-тез ҳужум ва мудофаани амалга ошириш имконини беради.

Муаллифнинг ёзишча, туронликлар томонидан ишлатиладиган ҳар хил курол ва жиҳозлар — ўқ, садақ, найза, шунингдек, ҳужум куроллари ва мудофаа яроғларини ясаш мураккаб ҳамда бир неча босқичли жараёндан ўтган. Энг асосийси, турк жангчилари ва куролсозлари ушбу жараённинг барча босқичларини мустақил, ўз қўллари билан бажарган. “Улар ҳеч кимдан ёрдам сўрамайдилар, бошқа усталар билан боғланмайдилар ва ижара, мудат ёки ваъдалар билан боғлиқ ташвишлар билан бош қотирмайдилар”, деган сўзларни Жохиз ҳайратга тушиб ёзган.

“Турклар отликларига икки-учта ёй ва ёйдан ташқари бошқа асбобларни ҳам олиб юришини ўргатадилар. Турк ҳужум қилса, ёнида керакли бўлган ҳамма нарсаси, қуроли, оти ва отига тегишли асбоблари бўлади”. Демак, аждодларимиз жангга ҳамма эҳтиёж, ҳатто отининг заруратларини қондира оладиган ҳолатда кирган ва шу тариқа ғалабага эришиши янада осонроқ кечган.

Йилқиччилик фаолияти

Йилқиччилик халқимиз туриш-турмушида қадимдан алоҳида аҳамият касб этиб келган. Маҳмуд Кошғарий бежиз “От — туркнинг қанотиридир”, дегаман.

Жохиз туронликларнинг от парвариши, отни жангга тайёрлаш, отларнинг шиддатни ва ваҳоҳати ҳақида ҳам муҳим маълумотларни қолдирган.

Асарда келтирилишича, туркларнинг болалик ва улгайгандан кейинги даврида ҳарбий ўйинлари бўлиб, олдинга фарзандларига югуртиб келиб отга саркаб миншини ўргатган бўлса, улгайгандан кейин от устида ёйдан аниқ ўқ отиш ва чавгон ўйнаш каби машғулотлар билан чиққитирган. Чавгон ўйинидан асосий мақсад от устида мувозанатли тўғри скаклай билиш, ҳар қандай рақиб ҳужумига қарши тура олиш, отдан йиқилиб тушмаслик сир-синоатларини эгаллаш бўлганини айтиш мумкин.

Урушга қирадиган ҳар бир отга жангда асқатадиган ҳаракатлар ва шиддатли ҳужумлар тоқчиликдан ўргатилган. Шу маънода, Жохизнинг қўйидаги фикрлари эътиборга моликдир: “Арабларнинг оти туркнинг отидек сабрли ва бардошли эмас. Араб ўз отини бошқа отликлар каби ўргатади ва даволайди. Турк эса байтардан (от табибидан) ҳам моҳир, отини парваришда оқиботдан ҳам усталидир”.

Асарда Турон отларининг кучи ва қуввати ҳамда бардошлилиги ҳақида қатор қайدلлар бор. Чунончи, туркларнинг чўл ва дашт ҳудудларида узоқ сафарлар, ҳарбий юришлар пайтда тез касалланишининг олдини олган, отларнинг ўртча умрини оширишга хизмат қилган.

“Туркларнинг фазилатлари” манбаси ҳарб ишимизни ҳар томонлама ўрганиш, бой ва қадим ҳарбий меросимизни халқимиз ва бутун дунёга тарғиб этиш учун барча асосларимиз борлигини кўрсатади.